

---

## ВИЛОЯТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН “АДАБИЁТ КУНЛАРИ” ДОИРАСИДА ҚЎҚОНДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЙИРИК ДАРҒАЛАРИ ИШТИРОКИДА ИЛМИЙ-АДАБИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Қўқон шаҳар давлат мусиқали драма театрида Адабиётшунос олим Умарали Норматов таваллудига 90 йил, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудига 85 йил, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир, драматург Сайдали Одиллов таваллудига 80 йил тўлганлиги, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш ҳамда риштонлик истеъдодли ёзувчи Исажон Султон “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони билан тақдирлангани муносабати билан уларнинг ижодий меросини ўрганиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги аҳамиятини тарғиб қилишга бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуров, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, атоқли шоир ва адиллар Маҳмуд Тоир, Салим Ашур, Сирожиддин Рауф ва бошқа ўнлаб таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар, Сайдали Одиллов, Исажон Султон ва таваллуд айёмлари ўтказилаётган дарғаларимизнинг оила аъзолари, адабиёт ихлосмандлари иштирокида бўлиб ўтган байрам тадбири вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг жорий йилнинг 23 октябрь куни қабул қилган фармойишига асосан вилоятимизда ўтказилаётган “Адабиёт кунлари” доирасида ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил сентябрь ойида фарғоналик сайловчилар билан учрашувда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик сиймоларидан бири – Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёти ва фаолиятига алоҳида тўхталиб, Қўқон шаҳри марказидаги Фурқат боғида шоирнинг ҳайкалини ўрнатишни таклиф этганди. Кеча бўлиб ўтган байрам тадбири олдидан вилоят ҳокими ва меҳмонлар боғ бўйлаб айланиб, Фурқат ҳайкалининг жойлаштириш ўрни борасида фикр алмашдилар.

Тадбирнинг очилишида сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ўзбек адабиётида вилоятимиз ҳудудида туғилиб ўсган ижодкорларнинг тутган катта ўрни ва улар ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида тўхталдилар. Давлатимиз раҳбарининг жамиятимизда китобхонликни тарғиб қилиш, адабиётни ривожлантириш борасидаги эътиборлари билан ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши ортаётгани, аҳолининг китобхонлик кўникмаси юксалиб бораётгани, бу борада Фарғона вилоятида ҳам амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида аҳолининг кутубхоналарга қатнови сезиларли кўпайгани, ҳар бир маҳаллада китоб дўконлари ташкил этилгани қайд этилди. “Ёш китобхон” ва “Ёш китобхон оила” республика танловларининг ғолиблари вилоятимиз вакиллари бўлгани ифтихор билан тилга олинди.

Тадбирда юбиляр ижодкорлар ва уларнинг яқинларига вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Шу куни 14 нафар фарғоналик ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар.

Қўқон шаҳар мусиқали драма театри ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали талабалари иштирокидаги театрлаштирилган сахна кўринишлари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

